



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING BUYRUG'I

497 -son

2022-yil “25” oktyabr

Toshkent shahri

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчи ва хизматчиларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ва “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомлари ҳамда Меҳнат Кодекси талабларига мувофиқ вазирлик тизимидаги ҳарбий хизматчилар ва хизматчиларнинг хизмат (меҳнат) фаолиятига оид, шунингдек хизматдан ташқари одоб-ахлоқи, жамоатчилик билан муносабатларига доир қоидаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори вазирлик тизимида маълумот ва сўзсиз ижро учун қабул қилинсин.

2. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчи ва хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда – Одоб-ахлоқ қоидалари) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини ташкил қилиш ва назоратини амалга оширишга Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси (полковник А.Ахмадходжаев), Шахсий хавфсизлик бошқармаси (полковник Ф.Одилов), Режим хизмати (полковник Б.Абдурахимов) масъул ҳисобланади;

худудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларда Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини ташкил қилиш бошқарма бошлиқларининг кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари, Шахсий хавфсизлик бўлимлари ҳамда Махфий бўлинмалари томонидан амалга оширилади;

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаслик ҳолати шахсий таркибга нисбатан интизомий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш учун асос бўлади;

Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича ўтказиладиган профилактик тадбирларга, хизмат текширувлари ва муҳокама йиғилишларига вазирлик тизимида тегишли мажлис баёнлари асосида сайланган касоба уюшмаси раиси, хотин-қизлар ҳамда ёшлар масалаларига масъул бўлганлар ходимлар жалб этилади;

ҳарбий хизматчи ва хизматчилар томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниш ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

4. Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси (полковник А.Ахмадходжаев), ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар бошлиқларига:

уч кун муддатда ушбу буйруқ ва Одоб-ахлоқ қоидаларининг мазмун-моҳияти барча шахсий таркибга етказилсин;

вазирлик тизимида Одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши таъминлансин;

Одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатлар ўрнатилган тартибда кўриб чиқилсин ва доимий таҳлили юритилсин;

хар чорак якуни бўйича вазирлик тизимида содир этилган ахлоқ қоидаларига зид хатти-ҳаракатлар юзасидан вазирлик раҳбариятига ахборот киритилиб борилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчилари ва хизматчиларининг одоб-ахлоқ меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 2 сентябрдаги 254-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ишлар бошқармаси (капитан Н.Истамов), ушбу буйруқ қарор нусхаси билан биргаликда ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларга ҳимояланган “Е-хат” тизими орқали юборилсин ҳамда “Гермес” ахборот тизимига жойлаштирилсин.

7. Мазкур буйруқ талабларининг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари полковник К.Абдижалилов зиммасига юклансин.

Вазир
генерал-майор

 А. Қўлдошев

Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2022 йил “_____” октябрдаги
“_____” -сонли буйруғига илова

**Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчи
ва хизматчиларининг одоб-ахлоқ
ҚОИДАЛАРИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчи ва хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда - Одоб-ахлоқ қоидалари) вазирлик ҳарбий хизматчи ва хизматчиларининг (кейинги ўринларда – шахсий таркиб) касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг қоидаларини белгилайди.

Одоб-ахлоқ қоидалари вазирлик тизимида юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгида Фавқулодда вазиятлар вазирлигига нисбатан бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда шахсий таркибнинг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

2. Шахсий таркиб ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга ошириши шарт:

қонунийлик;

Ўзбекистон Республикаси халқи ва Президентига садоқат билан хизмат қилиш, хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;

давлат ва хизмат сирини қатъий сақлаш;

мансаб ваколатларини суиистеъмол қилмаслик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

3. Шахсий таркиб хизмат(меҳнат) фаолияти давомида ва хизмат (иш)дан ташқари вақтда хулқ-атворнинг қуйидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим:

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчиси ва хизматчиси, шунингдек, кутқарувчиси обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;

масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;

мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш;

хушмуомалалик, эътиборлилик ва хушёрлик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;

оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъий назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;

жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

4. Шахсий таркиб ўз ваколатларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомлари ҳамда Меҳнат кодексига, ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Шахсий таркиб Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мажбуриятига, фуқаролар эса шахсий таркибдан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. Шахсий таркибнинг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Шахсий таркиб томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

2-боб. Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари

7. Шахсий таркиб:

фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги;

ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, раҳбарлар, ҳамкасблар ва фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ҳамда самимий муносабатни намойиш қилиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда қонунийликни, адолатлиликни ва шаффофликни таъминлаши;

давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилиши;

ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли сафдошлари ва жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун

таъкибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

давлат органлари ва ташкилотлари, давлат хизматчилари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;

ўз хизмат ваколатларини ҳамкасблари, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;

давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган махсус техника ва асбоб-ускуналарни асраб-авайлаш, унга топширилган моддий қимматликлар, хизмат хонаси, хонадон ва автотранспорт воситаларидан оқилона фойдаланиш, уларга шикаст етказилиши, нобуд бўлиши ёки йўқолишига йўл қўймаслик, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

ҳарбий(меҳнат) интизомига қатъий риоя қилиши, хизмат (иш) вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;

аҳолининг давлат хизматлари истеъмолчиси сифатидаги талабларига мувофиқ ўз касбий маҳорати, маънавий-маърифий, жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражасини доимий ошириб бориши, шунингдек, умумий билим савиясини ошириб борган ҳолда, хизмат (меҳнат) фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўз устида мунтазам ишлаши;

қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

касб этикаси ва ишчанлик услубига риоя этиши;

сиёсий партиялар ҳамда ижтимоий, шу жумладан диний бирлашмаларнинг манфаатларида, шунингдек уларнинг ғояларини тарғиб қилишда ўз хизмат мавқеидан фойдаланмаслиги. *(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган низомнинг 212-банди)*

ҳарбий либос ва махсус кийимни ғурур ҳамда шараф билан муносиб тарзда кийиб юриши, ҳарбий хизмат кийинчиликларини мардонавор енгиши, доимо озода, батартиб, интизомли ва хушмуомала бўлиши;

дунёвий тафаккурга эга бўлиш, умумэътироф этилган миллий урф-одатлар, анъаналар доирасидан четга чикувчи диний амалларни бажаришдан ўзини тийиш;

хизмат вақтида ёки ҳарбий кийимда спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслик, спиртли ичимликларни ичишга ружъу қўймаслик;

электр энергияси, газ ва сув ресурсларидан тежамкорона (оқилона) фойдаланиш;

санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш;

жамоат жойларида, жамоат транспортида ва оммавий тадбирлар ўтказиш жойларида ўриндик ва бошқа жиҳозларга нисбатан маданий муносабатда бўлиш ҳамда ўзидан катталарга ҳурматда кичикларга иззатда бўлиш;

оммавий тадбирлар вақтида хуштак чалмаслик, бақирмаслик, тадбир тугашидан олдин сабабсиз чиқиб кетмаслик;

ухлаб ўтирмаслик, ўриндиқларга ётиб олмаслик, бир-бири билан гаплашмаслик, ёнтрофдагиларга халақит бермаслик;

турли давраларда ўзининг намунавий хулқи ва билими билан вазирлик ҳақида юксак ижобий таассурот қолдиришга интилиш;

вазирлик манфаати, унинг шаъни ва шонли анъаналари, обрўси ҳамда нуфузи тўғрисида қайғуриш, уларни сақлаб қолишга жонқуярлик билан интилиш ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши керак.

8. Раҳбарлар ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар хизмат (меҳнат) вазифасини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди.

3-боб. Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари

Шахсий таркиб хизмат(меҳнат) фаолияти давомида қуйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомлари ҳамда Меҳнат кодекси талабларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши;

мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содиқ бўлиш;

ташқи сиёсат соҳасида давлат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

ўзи, бевосита ва тўғридан-тўғри бўйсунадиган бошлиқлари (командирлари)нинг қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва вазирлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига зид бўлмаган буйруқ ҳамда кўрсатмаларини сўзсиз бажариш;

берилган ваколатлардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ўз хизмат (меҳнат) мажбуриятларини виждонан, сидқидилдан ва юқори сифат билан бажариш;

хизмат (иш) бўйича бошқа бўлинмаларга сафарбарликка доимо тайёр туриш;

ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларга бирон- бир шахс, гуруҳ ёки идоралар манфаати нуқтаи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишига йўл қўймаслик;

ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида хизмат (меҳнат) фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;

давлат хизматчилари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек,

ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;

чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибга зид равишда бевосита ёки бошқа шахслар орқали мулоқотга киришмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, фуқаролар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;

давлат сири, қонун билан кўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошқор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равишда фойдаланмаслик;

ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

бириктирилган хизмат компьютери ҳамда электрон ташувчиларидаги хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирмаслик;

хизмат (ҳарбий, махсус) кийимидаги фото ва видеотасвирларни интернет тармоғидаги турли ижтимоий сайтлар (фейсбук, телеграмм, твиттер, ютуб, одноклассники ва бошқалар)га аккаунт сифатида ёки бошқа мақсадларда жойлаштириш;

фуқаролар ва ҳамкасбларининг шаъни ва қадр-қимматиغا доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, иғво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;

ҳарбий (меҳнат) ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

вазирликнинг мулки ва молиявий маблағлари, шунингдек, давлатнинг бошқа мулкни ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ишлатишга йўл қўймаслик;

жамоада соғлом маънавий муҳитни сақлаш чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

ҳарбий (меҳнат) жамоада ишчанлик муҳитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашиши;

ҳарбий (меҳнат) жамоада ҳамкасбларининг шаъни ва қадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан тийилиши;

хизмат (иш) жойига маст, соч-соқол олинмаган ва кийиниш тартибига риоя қилмаган ҳолда атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортикча жалб қиладиган тарзда кийиниш ёки спорт кийимида келишга, оммавий спорт ёки парк хўжалик кунлари бундан мустасно йўл қўймаслиги керак.

10. Раҳбарлар қуйидагиларга мажбур:

бўйсунувидаги шахсий таркибга профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлиликда ўрнатилган бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;

шахсий таркибни қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундамаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;

ҳарбий (меҳнат) жамоасида гуруҳбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;

шахсий таркибнинг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;

шахсий таркиб томонидан коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

бўйсунувидаги шахсий таркибни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига холис, адолатли ва қонуний ёндашиш.

11. Раҳбарлар бўйсунувидаги шахсий таркибга қўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбеҳ бериши ёки айблаши ҳамда камситиши мумкин эмас.

12. Вазирлик Марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва таркибий тузилмаларида юқори ҳарбий интизомни жорий этиш учун бошлик (командир):

режа ва режадан ташқари (йўланма билан) махсус тиббий кўрикдан ўтиб туриш;

қўл остидагиларнинг шахсий фазилатларини ўрганиши, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳарбий низомларда кўрсатиб берилган қоидалар асосида қўллаб-қувватлаши;

жамоани жипслаштириш, турли миллатга мансуб ҳарбий хизматчилар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаши;

гендер тенгликни таъминлаши;

шахсий таркибдаги ҳарбий интизом ва ахлоқий-руҳий ҳолатни билиши, қўл остидагиларнинг бошликлар талаби ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича вазифа ва усулларини яқдил англаб етишларига эришиши, уларнинг ҳарбий интизомини мустаҳкамлашига раҳбарлик қилиши ва шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини билиши, рағбатлантириш ва интизомий таъзир чораларини қўллаш амалиётига ўргатиши;

хизмат (меҳнат)ни ўташ қоидаларининг бузилиш ҳолларини зудлик билан бартараф этиши, бошқарма (тузилма) жанговарлиги ва фаолиятига раҳна солувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг қатъият билан олдини олиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориши ва жиноят, бошқа қор-қол ва хатти-ҳаракатларни огоҳлантириш бўйича иш олиб бориш;

қўл остидагиларни ҳарбий интизом талабларини сўзсиз бажариши ва юксак ижрочилик руҳида тарбиялаш, уларда шахсий ғурур, ҳарбий шаън ва ҳарбий бурч туйғусини ўстириши ва қўллаб-қувватлаши;

бошқарма (тузилма)да ҳарбий интизомнинг, айниқса ҳарбий хизматчилар орасида ўзаро муносабатларда низом қоидаларининг, ижтимоий адолат кўринишларининг бузилишига муросасизлик кайфияти яратилиши ва бунда ошқоралиқдан кенг фойдаланиши;

ўз қўл остидаги шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолати ва интизомини мунтазам таҳлил қилиб бориши;

ўз вақтида ва ҳолислик билан бу ҳақда ўзидан юқори лавозимдаги бошлиққа ҳисобот бериши, жиноят ва қор-қолларда эса зудлик билан хабар қилиши лозим.

13. Ҳар бир раҳбар шахсий таркибнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси тўғрисида қайғуриш, унинг шахсиятини, миллий ғурурини ҳурмат қилиш бошлиқ (командир)нинг муҳим вазифасидир. Ҳарбий интизомнинг бузилиши, жиноят ва бошқа хатти-ҳаракатларни ҳаспўшлашга хизмат қилган бошлиқ (командир) жавобгарликка тортилади. *(Интизом низомининг 6-банди).*

4-боб Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари

14. Шахсий таркиб хизмат (иш)дан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

15. Шахсий таркиб хизмат (иш)дан ташқари вақтда қуйидагиларга мажбур. миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

дабдабазлик, шуҳратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари давлат хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилмаслик;

жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

ноҳарбий аҳолига нисбатан одоб қоидаларига риоя қилишлари, ёши ўтган кишиларга, аёллар ва болаларга алоҳида эътибор кўрсатишлари, фуқаролар ор-номуси ва кадр-қимматини муҳофаза қилишга ёрдам беришлари, шунингдек, бахтсиз ҳодисалар, ёнғинлар ва табиий офатлар чоғида уларга мадад кўрсатиш *(Ички хизмат низомининг 67-банди);*

жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган хатти- ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажарганлиги учун жисмоний ва юридик шахслардан мукофотлар (совғалар, пул маблағлари, ссудалар, хизматлар, кўнгилочар, хордиқ, транспорт харажатлари учун ҳақ тўлаш ва бошқа мукофотлар олмаслик, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий низомларига мувофиқ ҳарбий хизматчилар тақдирланадиган қимматбаҳо (шу жумладан исми ёзилган) совғалар ва пул маблағлари бундан мустасно;

хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, ваколатли шахсларга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини суиистеъмол қилмаслик;

хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятдан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

хизмат (иш) фаолияти билан боғлиқ маълумотларни хизматга (иш)га алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик;

шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш;

зўравонлик, шавқатсизлик, миллатчилик руҳидаги, шунингдек, сиёсий ва диний мазмунга эга митинглар, йиғилишлар, намойишлар шаклидаги оммавий тадбирларда иштирок этмаслиги;

шахсан ўзи ва ваколатли шахслар орқали тадбиркорлик ёки ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан (педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари) шуғулланмаслик, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

ўзи фаолият юритган давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат хизматига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиш;

ташқи кўринишини белгиланган меъёрлар доирасида сақлаш, камтарона кийиниш, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиладиган тарзда кийинмаслик.

5-боб Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари.

16. Шахсий таркибнинг вазирлик фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, Фавқулодда вазиятлар вазирининг тегишли буйруғи билан тартибга солинади.

17. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар вазирлик раҳбарияти томонидан белгиланган ёки мазкур йўналиш бўйича ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

18. Қуйидаги ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас:

оммавий баёнот матни ва мазмуни давлат сиёсати ёки вазирлик фаолиятига алоқадор бўлмаса;

оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат сирлари билан боғлиқ бўлса;

оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса.

19. Вазирлик тизимида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан вазирлик фаолиятига оид айблов ёки танқид билдирилган тақдирда, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг **Матбуот хизмати** томонидан унга нисбатан билдирилган айблов ёки танқидга оммавий изоҳ ёхуд раддия беришини ташкил этади.

20. Агар оммавий баёнотда фуқароларнинг шаъни ҳамда кадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, вазирлик вакили ўз фикрларининг янглишлиги ёки нотўғрилигини тан олиши ҳамда шаъни, кадр-қимматига ва ишчанлик обрўсига дахл қилинган фуқародан, агар қонун ҳужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, кечирим сўраши шарт.

6-боб. Хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари

21. Шахсий таркибнинг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби фуқароларнинг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятига ҳурматини, шу жумладан давлат хизматининг нуфузини оширишга хизмат қилиши керак.

22. Шахсий таркибнинг ташқи кўриниши хизмат (меҳнат) шароитлари ва вазирнинг тегишли буйруғига мувофиқ, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг Фавқулодда вазиятлар вазирлигига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни намоён этиши лозим.

23. Шахсий таркибнинг хизмат (иш) жойида ташқи кўриниши ва кийиниш услубига оид қўшимча талаблар идоравий одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда ички меҳнат тартибида тегишли буйруқ асосида белгиланиши мумкин.

7- боб. Манфаатлар тўқнашуви

24. Шахсий таркиб мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

25. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ҳарбий хизматчи ва хизматчилар ўзининг раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришга мажбур.

8-боб. Шахсий таркибнинг манфаатини ҳимоя қилиш

26. Шахсий таркибни хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, тухмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидаги раҳбарият таркиби томонидан амалга оширилади.

27. Зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

9-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш

28. Вазирлик тизимида ҳарбий хизматчи ва хизматчилар томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ташкил этиш ва устидан назорат қилиш Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси, Шахсий хавфсизлик бошқармаси, Режим хизмати, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар бошлиқларининг кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари, Шахсий хавфсизлик бўлимлари ҳамда Маҳфий бўлинмалар томонидан амалга оширилади.

29. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ҳарбий хизматга чақирилган, ўтказилган, лавозимга тайинланган ҳамда ишга қабул қилинганлар Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари бошлиқ (командир)ларининг Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари томонидан мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда таништирилади.

30. Вазирлик Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари бошлиқ (командир)ларининг Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари, Шахсий хавфсизлик бўлимлари ҳамда Маҳфий бўлинмалар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тегишли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

31. Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиш ҳолатлари вазирлик Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар бошлиқ (командир)ларининг Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари, Шахсий хавфсизлик бўлимлари ҳамда Маҳфий бўлинмалар томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талабига асосан қоида тариқасида **ўн беш иш куни** муддатда кўриб чиқилади.

Кўшимча текшириш талаб қилинадиган ҳолларда мазкур хизмат текширувни тайинлаган раҳбар томонидан хизмат текшируви муддати узоғи билан ўтказилаётган хизмат текшируви муддатини ҳисобга олган ҳолда **ўн беш кунгача** муддатга узайтирилиши мумкин.

Кўриб чиқиш натижалари бўйича вазирлик Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар бошлиқ (командир)ларининг Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари, Шахсий хавфсизлик бўлимлари ҳамда Махфий бўлинмалар томонидан интизомий ёки бошқа кўринишдаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хизмат текшируви хулоса чиқарилиб, вазирлик раҳбариятига тегишли қарорлар қабул қилиш бўйича таклифлар киритилади.

Хизмат текшируви хулосаси тасдиқланган кундан бошлаб **ўн иш кун** **муддат**да интизомий таъзир чораси қўллаш ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш зарурати мавжуд бўлса буйруқ лойиҳаси ишлаб чиқилиши лозим.

Йўл қўйилган қоида бузилиш турини ҳисобга олган ҳолда, вазирлик Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари бошлиқ (командир)ларининг Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари, Шахсий хавфсизлик бўлимлари ҳамда Махфий бўлинмалар шахсий таркибга нисбатан қоидаларнинг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида башарти бундай қоида бузиш ҳолати энгил деб топилган бўлса огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Шунингдек, шахсий таркиб томонидан содир этилган хизмат ва меҳнат интизоми, одоб-ахлоқ қоидаларига зид хатти-ҳаракатлари, умумҳарбий Низом талаблари бузилиши ҳолатлари ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувлари ўтказилади.

32. Вазирлик тизимида Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича ўтказиладиган профилактик тадбирларга, хизмат текширувлари ва муҳокама йиғилишларига амалдаги касаба уюшмаси раиси, хотин-қизлар ҳамда ёшлар масалаларига масъул бўлганлар жалб этилади.

33. Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари бошлиқ (командир)ларининг Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари, Шахсий хавфсизлик бўлимлари ҳамда Махфий бўлинмалар томонидан вазирлик тизимида ҳуқуқбузарликлар ва жинойтлар содир этилиши ҳамда Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари мониторинги юритилади.

34. Шахсий таркиб ўзи йўл қўйган қоида бузилишининг кўриб чиқилиш жараёни ҳақидаги ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек, давлат органи қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

10-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик

35. Одоб-ахлоқ қоидаларида кўрсатиб ўтилган талабларга риоя этмаган ҳолда, интизомий қилмиш, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсий таркиб

Ўтказилган хизмат текшируви ёки терговга қадар текширувлар якуни бўйича интизомий маъмурий, жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ва моддий жавобгарликка тортилишига асос бўлади.

36. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун вазирлик раҳбарияти таркиби томонидан шахсий таркибга қуйидаги таъсир чоралари қўлланилади.

Қуролли кучлар Интизом низомига мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ.

37. Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари бошлиқ (командир)ларининг Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари, Шахсий хавфсизлик бўлимлари ҳамда Махфий бўлинмалар шахсий таркибга нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун вазирлик раҳбариятига хизмат текшируви ёки терговга қадар текширувлар якуни бўйича таклиф киритиши мумкин.

38. Одоб-ахлоқ қоидалари вазирлик раҳбарияти томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юқори турувчи давлат органи томонидан кўриб чиқилади.

11-боб. Якуний қоида

39. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.